

БЕЛГИЛАНГАН ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ УТАБ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР, ЧЕГАРА ВА ИЧКИ ҚУШИНЛАР САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИШ ҲАҚИДА ҲАМДА ФУҚАРОЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунларига биноан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгиланган ҳарбий ва муқобил хизмат муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучлари, чегара ва ички қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатилин.
2. 1966—1975 йилларда туғилган ҳамда қақриқ муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1993 йил май-июнь ойларида муқобил хизматли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1993 йил 2 апрель.

Ислон КАРИМОВ:

ЭНДИ БИЗ—ЎЗБЕК ВА ТУРК ХАЛҚЛАРИ АБАДИЙ БИРГАМИЗ!



СУРАТЛАРДА: Тургут Узоил бошлиқ Туркия Давлат делегациясининг Тошкентда бўлишидан лавҳалар. (ЎзА).

4 апрель. Музаффар қўш днрмиз узра истиқлол сўзини айтмоқ учун уфилардан эиткиб бош кўтарган кунга бир ярм йилдан ошди. Бобо тарих қадамлари олдида исбатан қисқа бу муддат она ватанимизнинг дуйба юз очинида қанчалар сермахсул бўлганга энди барчалмас гувоҳимиз.

Бугун мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамияминиятида муносиб ўрни эгаллади. Унинг халқро майдондаги обрў-эътибори кун сайин ошмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли, мустаҳкам алоқалар боғлаш истигада ҳаракат қилаётган мамлакатларнинг сон тобора ортаб бораётди. Тошкент тайбрағоқи ана шу эзгу марсад билан республикамизга келаётган машҳур сиёсатчилар, ишбилармонлар ташрифига кўниб қолди.

4 апрель кунини кўклам нафаси уфуриб турган бу маскан ҳар талғидан ўзгача шунуҳда тўлди. Чунки мустақил Ўзбекистон истиқлолини энг аввал тан олган, мамлакатимизнинг жаҳон саҳнида эътибор қозонишида елкадош бўлаётган қондош, қардош Туркия Республикасини Президентини Тургут Узоил бошлиқ расмий делегация днрмизга ташриф буюрмоқда эди.

ДИЙДОРЛАШУВ, ИХЗОРИ ЭҲТИРОМ

Мустақил днрмиз осмонда пайдо бўлган улкан

«Бонн—737» тайбраси она заминимизга келиб қўнади. Ўзбекистон Республикасини Президентини Ислон Каримов меҳмонга пешвоз чиқинди. Дўстлар, қардошлар бир-бирлари билан дийдорлашпади. Миллий либослариниз

ҳуснига ҳуси қўшган сулду ҳурмати баладчилигини айтди. Жаҳоннинг атоқли сиёсат арбобидан Президентини шаънига айтилган бу гапларни эшитиш қувончли, албатта. Зеро, Тургут Узоил жаноблари республикамиз Президентини тиссолида бутун Ўзбекистон халқига ҳурматини ифода этган эди.

ПРЕЗИДЕНТЛАР СУҲБАТИ

Азия меҳмонлар қанотларига Ўзбекистон ва Туркиянинг миллий байроқлари ўрнатилган автомобилларга ўтиридилар. Машиналар сафи Ўзбекистон Президентини шаҳар ташқирисидан қароргоҳига йўл олади. Тошкент шаҳри жамоатчилиги, меҳнатнашлар йўл-йўлакка меҳмонларини олқийлайди...

Тезкор асра вақтинги қадр-қиммати беиҳоқ балад. Иш одамлари, айниқса,

унинг бирон-бир дақиқаси беҳуда кетмаслигини истади. Офтоб уфққа бош қўйишга улгурмай ҳар икки мамлакат расмий вакилларининг ишга киришганларини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин.

Шаҳар ташқирисидан қароргоҳда Ислон Каримов ва Тургут Узоил яна бир қарра қучоқ очиб қўришдилар. Ўзбекистон Президентини Хоразм чеварлари Тургут Узоил сиёсийини нақшлаган гиламини меҳмоннинг ўзига совға қилди.

Эсдалик совгалари улашилгач, икки Президент яккама-якка мулоқотга киришди.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ПЎЙДЕВОРИ

Президентлар мулоқоти бошланмасдан оқ автомобиллар сафининг бир қисми

қадим Тошкент марказига йўналди. Тургут Узоилга ҳамроҳ бўлиб келган Туркия Парламенти аъзолари Ўзбекистон Республикасини Олий Кенгашига ташриф буюридилар.

Бу ерда меҳмонларни Ўзбекистон Республикасини Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев ва парламентнинг бошқа аъзолари қутиб олди. Ўзаро самимий суҳбат бошланди. Ўзбекистон ва Туркия парламенти аъзолари икки қардош халқнинг азалики биродарлигини ва ҳамкорлигини тараққий эттиришда қонуний асос, яъни пойдевор йратувчи парламентлар олдида турган вазифалар ҳамда ўзаро муносабатларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида фикрлашиб олдилар.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ҒУШТ ВА СУТ САНОАТИ ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК УЮШМАСИ («ЎЗҒУШТСУТСАНОАТ»)НИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида чорвачилик ҳўжаликларининг, ғўшт ва сут саноати — корхоналари ҳамда ташкилотларининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур ташкилий-иқтисодий шарт-шароитларни вукудга келтириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини кўпайтиришда уларнинг манфаатдорлигини ошириш ҳамда республика аҳолисини шундай маҳсулот билан таъминлашни яхшилаш мақсадида:

Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуни ва ҳақда ушманнинг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган устави асосида амалга оширадиган тarmoққа тезкор раҳбарлик қилиш масалалари бўйича ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ ҳўжалик вазири билан мувофиқлаштирадиган:

1. Ўзбекистон Республикасини Қишлоқ ҳўжалик вазирилик ҳўзуридаги «Ўзғўштсўтсаноат» республика ишлаб чиқариш бирлашмасини тўғатиш ҳамда ўз қарамогидан корхоналар ва ташкилотларини Ўзбекистон ғўшт ва сут саноати давлат-акционерлик уюшмаси («Ўзғўштсўтсаноат»)га ихтиёрий равишда бйраштириш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.
2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзғўштсўтсаноат» давлат-акционерлик уюшмаси:
 - юрдик шахс ҳуқуқларига эга бўлган ҳўжалик уюшмаси ҳисобланади ва у чорва молларини харид қилиш, бўрдоқига боқиш ва таёйрлашни, ғўшт ва сутни қайта ишлашни ҳамда ғўшт-сут маҳсулотини сотишни таъминлайдиган давлат-акционерлик, яъни ра жамоа корхоналарини ихтиёрлик асосида бйраштирадиган:

3. «Ўзғўштсўтсаноат» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишлов шартлари ва шартномалари негизинда ғўшт ва сут етиштирувчи ҳамда уларни қайта ишловчи ҳуудий давлат-акционерлик бйрашмаларини ташкил этиш мақсада мувофиқ деб топилинсин.

4. «Ўзғўштсўтсаноат» уюшмаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қуйидагилардан иборат қилиб белгилансин:

- чорва молларини харид қилиш, бўрдоқига боқиш ва таёйрлаш, ғўшт ва сутни қайта ишлаш ҳамда ғўшт-сут маҳсулотини сотиш билан боғлиқ жамғириш ишлар мажмуини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- уюшмага кирувчи корхоналар ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат органлари ва бошқа органларда умумий манфаатларини ифода этиш;

(Давоми 2-бетда).

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

- Кеча Тошкент телевидение марказидан илк бор Туркияга алоқа Ер йўлдош орқали бевосита телекўрсатувлар амалга оширилди. Бу эшитиришда Туркия Президенти Тургут Узоилнинг Ўзбекистонга расмий ташрифига ҳақида ҳикоя қилинди.
- Наманган вилоятида ҳам чигит экишга қ-ришилди. Биринчи бўлиб Поп туманидаги «Гурмасарой» давлат ҳўжалик механизаторлари экин ағратларини далага олиб чиқидилар. Қишлоқ ҳўжалик вазириликдан маълум қилинишича, ҳозирги вақтда Сурхондарё, Наманган, Бухоро, Андиқон вилоятлари ҳўжаликларидан чигитни танлаб экишга киришилган. Бу йил республика пахтакорлари 4,3 миллион тонналик «оқ олтин» хирмони уйишни мўлжаллагилар.
- Ўзбекистонга Германия Қизил Хол делегацияси келди. Унинг вакиллари Ташкентдаги сув тозалаш ишхонасини фойдаланишга топширишда иштирок этдилар. Германия, Қизил Хол ташкилоти унинг қурилиши учун 4,5 миллион марка ажратган.
- Республика мактаб ўқувчилари саройи ва Ўзбекистон Фанлар академияси ўртасида истеъдодли ёшларни тарбиялаш юзасидан ҳамкорлик қилиш шартномаси тузилди. Унга кўра, Академиянинг биохимия, математика, астрономия ва электроника институтларида, «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида фаннинг ушбу соҳаларида иқтидорли Тошкент мактабларининг 50 нафар 8—9-синфлар ўқувчилари шахсий дастур асосида ўқитилдилар.
- Хоразмда Ўзбекистон халқ шoirи, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти совриндори Омон Матчон тавеллудининг 50 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

- Канаданин Ванкувер шаҳрида АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашган Россия Президенти Борис Ельцин Москвага қайтиб келди. У Ватанига қайта туриб, Братск шаҳрида тўхтади ва жамоатчилик вакиллари билан учрашди. Бу учрашуда Борис Ельцин фуқароларини 25 апрелга мўлжалланган Умумироссия референдумини киритилган тўртта саволини ҳаммасига «Ҳа» жавоби беришга даъват этди.
- Бугун Сочида Абхазиядаги можаро юзасидан Россия—Грузия музокаралари бўлиб ўтади. Унда Россия томонидан мудоффа вазир Павел Грачев, Грузия томонидан Бош вазир Тенгиз Сегуа бошлиқ делегациялар иштирок этади.
- Озарбайжон манбаларидан олинган маълумотларга кўра, Арманистон қуроли кучлари Келбакар туманида катталиги иккидан Тоғли Қорабоғ ҳўдуида тенг бўлган майдонини кўлга олганлар. Бу ерда истиқомат қилувчи 60 минг аҳолининг тақминан 40 минг нафарига яқини қуршовдан чиқарилган музаффар бўлган. Ҳозирги пайтда арман қуроли кучлари янги — Физули тумани йўналишида ҳўжумга ўтганлар.
- Арманистон Президентининг матбуот котиби «Арманистон Тоғли Қорабоғ республикаси ва Озарбайжон чегарасида давом этаятган ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмаган ва иштирок эямаятган», деб баёнот берди. Унинг айтишича, Арманистон раҳбарияти бу минтақада бир-бирига қарши турган кучларни зудлик билан ҳарбий ҳаракатларини тўхтатиб, музокаралар бошлашга даъват этди.
- Россия ички ишлар вазириликнинг маълум қилишича, собиқ СССР республикаларидан келаётган фуқароларни рўйхатга олиш яқин вақт ичида Москва, Новгород, Челябинск, Екатеринбург вилоятлари ва Краснодар ўлкасида ҳам жорий этилади. Москвада унда 29 мартдан 30 мартга рўйхатга олиш қондаларини бузганлик учун 8,6 мингта жарима со-

линган. Олинган умумий жарима миқдори 1,4 миллион сўм-лидан ошган.

ХОРИҶДА

- Бугун АҚШ Президенти Билл Клинтон Оқ ўйда Мир Президентини Хусни Муборак билан музокаралар ўтказди.
- Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козиревнинг Покистонга ташриф бйради.
- Европа тиклаш ва тараққийот банкни президенти Жак Аттал етти тараққийотган давлат раҳбарларини Россияда кичик тадбиркорликка ердан бериш жамғармасини ташкил этиш учун 500 миллион доллар ажратиш зарурлигига кўндиринишга ҳаракат қилмоқда.
- Сомалидаги аҳолини тинч йўл билан ҳал қилиш бўйича Аддис-Абебада бўлиб ўтган конференцияда бир-бирга қарши турган 15 гуруҳ ўтми миллий кенгашини тузишга келишиб олдилар. Бу ўзига хос федерал ҳукумат бўлади.
- Аргентина ҳукумати мамлакатда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг пул билан таъминлаш манбаларини ўз назорати остига олиш тўғрисида қонун лойиҳасини тайёрлади.
- Япония ҳукумати олий даражадаги Америка—Россия учрашуви натижаларидан мамнулигини баён этди. Ҳукумат АҚШ Президентини унинг Россия билан худудий баҳсда Япония томонини қўллаб-қувватлаганини учун миннатдорчилик ихзор этди.
- Камбоджадаги сиёсий вазият гоят жиддийлашиб кетганлигига қарамасдан Бйрашган Миллатлар Ташкилотининг бу мамлакатдаги муваққат идораси — ЮНТАК шу йил май ойида ушбу давлатда ялпи сайловлар ўтказишга қарор қилди.
- Америкада чиқадиган «Тайм» ҳафтаномасининг хабар қилишича, 1992 йилда 49 журналист хизмат вазифасини бажариб турган вақтда ҳалок бўлган. Уларнинг кўпчилиги Шарқий Европа ва собиқ СССР республикалари оммавий ахборот воситаларининг ходимларидир.

„ТУРК МЎЎЖИЗАСИ“НИНГ ОТАСИ

ТУРКИЯ ҳақида гап кетганда, аввало, бу мамлакат ҳаётидаги ўзига хос икки хусусиятга эътибор берилди. Биринчидан, у индустриалашган давлатлар қаторига киритилган Европа мамлакатларида қарор топган мезгилларнинг «ампорт» йил бошлари. Иккинчидан, Туркия саноатини қиллардаги муваффақиятли ислохотлар туфайли қолоқ аграр индустриал мамлакатдан «Яқин Шарқ Японияси» деб таърифланган индустриал-аграр давлатга айланди. Бунда мамлакатнинг саноатини Президент Тургут Ўзлнинг катта ҳиссаси бор.

Дарвоқе, «Аллоҳ нефть билан сийлаган» Туркия иқтисодийнинг оёққа турғунлиги учун саноатини ривожлантириш зарурлигини Истанбул техника дорилфунунини битирган мутахассисдан кўра ким ҳам яхшироқ биларди? Боз устига, бўлгуси Президент Америка Қўшма Штатларидаги Умумжаҳон банкда икки йил ишлаган қилган бўлса, Сунгра у Туркияни иқтисодий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг биринчи беш йиллик режасини ишлаб чиқишда иштирок этди. 1979 йилда Туркия Боз вазирининг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси этиб тайинланди. Ўша йиллари мамлакат иқтисодийнинг ривожлантиришининг «1980 йил 24 январь қарорлари» номи дастурини ишлаб чиқди. Аввал Боз вазир (1983—1989 йиллар) ва кейинчалик Президент (1989 йилдан буён) сифатида ўзи раҳбарлигида ишлаб чиқилган иқтисодий, тарғиб қилган дастурини амалга ошира бошлади.

Ҳарбий тўнғаришлар, сиёсий партиялар ўрнини мажлислар залида ўзига қурашлар ҳақида баҳсда асосий қисмни ташкил қилган. Иккинчидан, Туркия мамлакатларида иқтисодий ислохотларни йиғини билан оғдириш зарурлигини аниқлади. Давлат хазинасидан сурналган қарзлар, катта миқдордаги таъсир қара, пулнинг ҳалокати қарздорларнинг саноатни ривожлантириш мамлакатлар билан Туркия ўртасида бўлидиган савдо-сотиқ ишларидаги салбий салдо республикани сиёсий ва молиявий жи-

ҳатдан жар ёқасига келтириб қўйди. Ўша йиллари Туркия қолоқ аграр мамлакат эди. Бундай шароитда мамлакат иқтисодийнинг яқин келгусида жаҳон иқтисодий жараёнига қўшилиши ҳақидаги гап-сузлар кўпчиликка эриш туюларди.

ТУРГУТ Ўзлнинг, Туркия Европа ҳамкамиятига аъзо бўлиши керак, деган сўзларига ҳануз ишонмайдиган кишилар топилди. У Боз вазир бўлган кезлари, жамият ҳаётидаги ҳар қандай ўзгаришлар иқтисодий янгиланишлардан бошлангани керак, деган тушунча миллиатдошларига оғинга сингдиришга ҳаракат қилди. 1950—1980 йилларда иқтисодий қолоқлик ҳамда бошбошоқлик мамлакатнинг Европадаги ривожланган давлатлар ортидан боришига имкон бермади. Тургут Ўзл бу ҳақиқатни халққа тушунтирар, Туркияда иқтисодий ислохотлар ўтказишга оид ўз дастурини эълон қилди ва туркларнинг ишончини қозонди. Боз вазирнинг Туркияда илгор бозор иқтисодиёти муносабатларини қарор топтириш ҳамда иқтисодий барқарорликка эришиш дастури моҳиятан давлатнинг иқтисодиёти марказлаштириб бошқарилиши, ҳар бир мамлакатларнинг илгор технологияси билан жиҳозланган кичик корхоналарни қўллаш, кооперацияни кенгайтириш ҳамда саноатни ривожлантириш мамлакатлар иқтисодий интеграцияга қўшилишдан иборат эди.

Тургут Ўзл ҳокимияти келиши биланоқ, ишнинг кичин ва ўрта давлат корхоналарини,



давлат арконларидан нефть кимёси ва тўқимачиликка ихтисослаштирилган соҳаларни хусусийлаштиришдан бошлади. Натига ёмон бўлмади. Бозор муносабатлари бир неча йил

ичида Туркия қиёфасини таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб юборди. Бир вақтлар Люксембургдан бир миллион доллар қара олганда қувонган турклар бугунги кунда бошқа мамлакатларга, хусусан, яқинда миллий мустақилликка эришган собиқ Совет республикаларига катта миқдорда қара бермоқда. Иқтисодий ислохотлари амалга оширишга кўмаклашмоқда.

Энди валюта-молия соҳасида ҳам ўзгаришлар қилиш вақти етган эди. Тургут Ўзл миллий пул бирлиги — лиранинг ўзгармас курсини бекор қилди. Лира эриши муомаласидан валютасига айлантирилди. Боз вазир эди маҳаллий мафийнинг бойлик ортириши йўлидаги тўсиқ қўй бошлади. Сигарет, ароқ ҳамда тилланнинг чайқон бозоридан савдосидан олинмаган мўл даромад давлат хазинасига келиб туша бошлади. Тургут Ўзл бу ҳақда дунёнинг кўпгина мамлакатлари тилларига таржима қилинган «Туркия — Европада» китобида: «Туркияга ҳуфя йўллар билан олиб келинадиган сигаретларга солиқ солишдан давлат хазинасига тушган фойда ҳар йили 150 минг қаватга қуриш имконини беради» деб ёзган эди. Хусусий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар фақатгина турклар эҳтиёжини қондириб қолмасдан, экспортга ҳам чиқарила бошлади. Туркия аҳолисининг барча эҳтиёжини мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар эвазига қоплаш лозим, деган номақбул тушунчага барҳам берил-

ди. Чунки дунёдаги ҳеч бир мамлакат ҳалқаро меҳнат тақсимида иштирок этмай туриб, жаҳон иқтисодий интеграцион жараёнига қўшилиши мумкин эмаслиги маълум.

Бугунги кунда Жаҳон валюта бағни Туркия Тургут Ўзл бошчилигида амалга оширилган иқтисодий ислохотларни ривожлантирган мамлакатлар учун намуна қилиб кўрсатмоқда.

Бу иқтисодий ислохотларнинг муваффақияти сирини шундаки, Туркия Лотин Америкасидаги мамлакатларга ўхшаб саноатни ривожланган мамлакатлардан нуска кўчирмади. Аксинча, улар таъжирбадан маҳаллий шарт-шароити ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий фойдаланди.

ДУНЕДА Тургут Ўзлнинг Туркия Президент сифатидаги обрўси кундан кунга ошиб бормоқда. Бунга бир томондан у амалга оширган иқтисодий ислохотлар самара бериб, Туркиянинг дунё мамлакатлари ўртасидаги маънавий ошраётгани бўлса, иккинчи жиҳати, Президентнинг ташқи сиёсат бонбда ҳам моҳирлиги билан изоҳланади. Айниқса, собиқ империя асортларидан қутулган Туркия жумҳуриятларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишда ва бу ишда жаҳон жамоатчилигининг эътиборини жалб этишда Туркия Президентининг хизматлари катта. Тургут Ўзл Туркий давлатлар раҳбарларининг 1992 йил октябр ойидаги учрашувида, Ингирма биринчи аср туркий халқлар асри бўлаётгани ҳамда ўз мамлакатини ёш мустақил туркий жумҳуриятларнинг жаҳон иқтисодий интеграцион жараёнига қўшилиши йўлида кўпгина ваъзасини ўтайганини алоҳида таъкидлаган эди.

Шу жиҳатдан оғинда жаноб Тургут Ўзлнинг шу йил 4 апрелда кунин «Ўзбекистон» бошланган расмий сафари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни яна бир поғона юқори кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Фахриддин НИЗОМ (ЎЗА).

ЭНДИ БИЗ — ЎЗБЕК ВА ТУРК ХАЛҚЛАРИ АБАДИЙ БИРГАМИЗ

(Боши 1-бетда).

МУЗОКАРАЛАР

«Дўрмон» меҳмонхонасининг мажлислари залида Ўзбекистон ва Туркия расмий вакиллари музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар чоғида ҳар икки мамлакат ўртасида илгари имзоланган ахдлашувларнинг баъзиларини шартнома шартлари асосида таҳлил этилди.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентини Исрол Каримов ва Туркия Республикаси Президентини Тургут Ўзл томонидан имзолашган «Даромад ва мол-мулкка икки томонлама солиқ солимаслик тўғрисида» ҳамда «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги битимлар лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди.

Имзоланган таъйинланган битимларнинг муҳим аҳамиятига эътибор қилинган. Туркия ва Туркия Республикаси Президентини Тургут Ўзл томонидан имзоланган ахдлашувларнинг баъзиларини шартнома шартлари асосида таҳлил этилди.

Икки мамлакат иқтисодиётларини мазкур битимнинг имзоланиши анчадан буён кутмоқдалар. Иккинчи битимнинг аҳамияти ҳақида сўзлашган ҳоқат бўлмаса керак. Жаҳоннинг турли жойларида авқ олиб бораётган иллатлар мамлакатларимиздаги тинч меҳнат шароитига пулур етказмаслиги учун бу борада ҳамкорлик қилмоқ ўзаро муносабатларимизнинг муҳим бир бўлаги бўлиши таъинланди.

Музокараларда Ўзбекистон томонидан республика Боз вазир А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умузоқов, ташқи ишлар вазир С. Сафоев, Туркия томонидан Туркия Республикаси Ташқи ишлар вазир Хикмат Четин ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

ИШБИЛАРМОНЛАР

УЧРАШУВИ

Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган ўзаро манфаатли шартномалар ва битимларнинг амалга ошириши кўп жиҳатдан ишбилармонларга боғлиқ. Улар зиммаларидида юксак ваъзфаларни диддан ҳис қилаётгани «Ўзбекистон» миллий компаниясининг маданий-маърифий марказида бўлиб ўтган учрашувида яққол кўрилди. Учрашувида Ўзбекистон Республикаси вазирлари, идоралари, концернлари, саноат корхоналарининг раҳбарлари ва туркиялик номдор тадбиркорлар, ишбилармонлар ўзаро ҳамкорлик уфқлари кенгайиб бораётгани таъкидланди.

Турки ишбилармонларининг бу талии таширлари ўзаро алоқаларини янада мураккаблаштиришга хизмат қил-

лиши шубҳасиз. Айни пайтда Ўзбекистон ишбилармонлари ўшмас билан Туркия Савдо-саноат палатаси ўртасида бу борада битим тузилган. Бу ҳужжат ўзаро фирм ва ахборот алмашишнинг асоси, балки қадрлар таъйинлаш, ҳамкорларни топиб боришдаги ҳаракатларни мувофиқлаштиришни ҳам кўзда тутди.

Турки ишбилармонларнинг пахтани қайта ишлаш заводлари қурилишида бизга кўмаклашаётгани раҳмат муҳим. Чунки, республикамизда етиштирилаётган пахтанинг қариб 90 фоизи ҳамон хомаш сифатида четга сотилимоқда. Қорақалпоғистонда, Андижон вилоятида қурилган ва қурилиши мўлжалланган янги заводлар миллий даромадимизни боғийтириш катта ҳисса қўшажади. Бу — янги иш ўринлари, бежирми лобослар, халқимизнинг тўқин дастурхонини демарқид.

Туркия расмий делегацияси сафарининг илк кунини ана шундай сэрмахсул бўлди.

УЛУГ ШОИРНИ ЭСЛАБ

5 апрель. Дўст мамлакат делегацияси ташрифининг иккинчи кунини хайрли ишдан бошланди.

Мир Алишер Навоий бундан беш аср муқаддам шундай сатрларини битган эдилар:

Турк назмида чу мен тортиб адам, Айладим ул мамлакатни яққалам.

Буоқ боболонимизнинг бойи шериъати бугунги дорилмон қунарада ҳам теран томилари ва тақдирларини туташ туркий халқларнинг умумий мероси ҳисобланади, уларга баб-баробар хизмат қилиши таъинланди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Туркия Президентини Тургут Ўзл жанобларини бошчилигида делегация аъзолари Ўзбекистон Президентини Исрол Каримов ҳамроҳлигида бугун эрталаб Алишер Навоий хотирасини эъзозлаш ниҳтида Ўзбекистон Миллий боғига келди.

Хурағатли меҳмонини олқишлаб шаҳар жамоатчилигини вакиллари, меҳнат фахрийлари, талаба ва иккинчи-тоилар шешов чиқдилар. Туркия ва Ўзбекистон давлат раҳбарлари улуг боболонимиз ҳайкали пойига гуллар қўйиб, эҳтиром изҳор этдилар.

ҲУҶЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Туркия ҳукумат делегацияси, парламент аъзолари ҳамда турки ишбилармонларининг ўлкамизда турли соҳаларда кўшма корхоналар ташкил этиш борасида кўрсатаётган саяҳатларининг бугун алоҳида таъкидланган келди, киши. Зеро, қардошларимизнинг бундай кўмаги бозор иқтисодиётига ўтин жараёнида таъин захираларга бой Ўзбекистоннинг мустақил тарғиб қилган

лини белгилаб олишда катта самара бермоқда.

Бугун пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги саройида икки давлат раҳбарлари ўртасида музокаралар давом эттирилди. Сунгра «Даромад ва мол-мулкка икки томонлама солиқ солимаслик тўғрисида» ва «Терроризм, гафривонунинг қурол-ароғ ва гийҳанд моддалар тарғибига қарши кураш тўғрисида»ги ўзаро битимлар имзоланди. Маросим иштирокчилари бунга қараканл билан олқишландилар. Бир-бирларини катта муваффақият билан кутдилар. Зеро, икки мамлакат вакиллари бир-бирини кутласа арайилган ушбу иш амалга оширилган эди. Тургут Ўзл жанобларнинг мамлакатимизга ташрифининг муҳим қисминини ташкил этганини тарғиб қилди. Энди Ўзбекистонлик ишбилармонлар Туркия, туркиялик иш одамлари Ўзбекистон иқтисодиётига бемалол сармоғ қўйиши мумкин. Олинкаҳ солиқлар тарғибига солинади. Хаф-хатар қамаяди. Ҳужжатларни Туркия томонидан ташқи ишлар вазир Хикмат Четин, Ўзбекистон томонидан республика Ташқи ишлар вазир Соҳиб Сафоев имзолади.

Битимларни имзолаш маросимида Тургут Ўзл бошчилигидаги Туркия давлат делегацияси вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президентини Исрол Каримов, республика Олий Кенгаши вазир Ш. Йўлдошев, Боз вазир А. Муталов, Ўзбекистоннинг Туркиядаги вакилликда муҳтор — буюк элчиси У. Абдуразақов, Туркиянинг Ўзбекистон Республикасидаги буюк элчиси Вулқон Чўгур ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Шундан сўнг икки қардош давлат раҳбарлари матбуот вакиллари билан учрашдилар.

Учрашувида Ўзбекистон Президентини Туркия билан ҳамкорлик ва дўстлик ришталарининг мустақам болганини тарихан таъин қилди. Туркия билан ўзбекистон халқларининг ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан мақсафлари муштарақид. Туркия раҳбарияти ҳар бир халқ тарғиб қилганлиги, ҳамкорлигини тиллаш замонини келганини мамунини билан қай этар экан, бу хайрли ишда Туркия

ўзи белгилаши лозим, деган ақидага амал қилмоқда. Мустақилликка эришган халқлар тақдирига бундай ҳолис ёндашув Ўзбекистон давлат раҳбарларига ҳам ҳоқазиланди.

Туркия билан Ўзбекистон ўртасида имзоланган ўн етти та муҳим ҳужжат бугунги кунга келиб ўз самараларини бери бошлади. Туркиянинг нуфузли илм марказларида икки мингта яқин Ўзбек фарзанди таҳсил олмоқда, шунингдек, турк ишларига ҳам Ўзбекистондаги билгим ўқуқлари кучогини очди.

Бугун имзоланган икки ҳужжат ҳам аввалқиларнинг узвий давоми. Элароқ икки мамлакат вакиллари берди, деб ишон билдирди Ўзбекистон Республикаси Президентини.

Туркия Республикаси Президентини Тургут Ўзл жаноблари икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан ниҳоятда мамунлигини эътироф этди. «Жумладан, у Туркия давлат делегациясининг Марназиви Осиё мамлакатларига қилаётган сафари айнан Ўзбекистондан бошлангани бежиз эмас, деб таъкидлади. Чунки, Ўзбекистон — аҳолиси кўп мамлакат, унинг раҳбарияти ўтказётган тинчликсевар сиёсат дунё миқёсида қўллаб-қувватланаётганининг ўзи ҳам республиканинг мустақил давлат сифатида жаҳон мамлакатлари қаторида муносиб ўрин олганидан далолатдир, деди.

— Биз, — деди Туркия Президентини, — Ўзбекистоннинг қўшни давлатларга, хусусан, Тожикистон ва Афғонистонга нисбатан яқин қўшничилик сибатида тутаётганини қўллаб-қувватлаймиз, бу борада Исрол Каримов билан фикримиз бир эканидан мамунам.

Туркия Президентини Тургут Ўзл сўнги пайтларда Озарбайжон ва Арманистон давлатлари ўртасидаги қонли тўқнашувлардан беҳад хавотирланди, бу заминда сабабсиз қон тўкилаётгани, манжуқ изоларни музокара билан йўли билан ҳал этиш мумкинлиги хусусида гапирди.

Сўнгра икки давлат раҳбарлари журналистларни қизиқтирган қўллаб-қувватлаш бағдарига бағдарли жавоб бердилар.

УНВОН МУБОРАКИ

Туркия Республикаси Президентини Тургут Ўзл Ўзбекистон Республикаси Президентини Исрол Каримов ҳамроҳлигида «Ўзбекистон» миллий компаниясига ташриф бурди.

Мақданининг улкан залида Ўзбекистон Республикаси вазирлари, идораларининг раҳбарлари, Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари билан учрашув бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Исрол Каримов қариб бир ярим сур давомида бир-бириндан зўрлик билан эътибор қўйилган ўзбек ва турк халқларининг дўстлигини, биродарлигини, ҳамкорлигини тиллаш замонини келганини мамунини билан қай этар экан, бу хайрли ишда Туркия

Республикаси Президентини Тургут Ўзл сатмоқли ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

Республикамиз Президентини мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар тобора узвийлашиб бораётганини, иқтисодий, маданий, илмий-техникавий ҳамкорлик ривожланиши палласига кирган — бу даврга имзоланган ўзаро манфаатли шартномаларнинг амалга ошириши таъминлаш учун Ўзбекистон қўшма комиссиясини тузиш айни мудоао бўлажagini айтди.

Мамлакатимиз жамоатчилигини номидан сўзлаган Ўзбекистон халқ шоири Э. Воҳидов, Ўзбекистон халқ эзувчиси Т. Қайбергенов туркий бирликнинг таъна қилаётганидан қувонч изҳор этди, бу борадаги хайрли ишларнинг бошида турган ҳар икки мамлакат Президентларига рағбат ва шижоат тиладилар.

Тошкент давлат иқтисодий дорилфунунини ректори С. Гуломов мамлакатимиз раҳбарияти иқтисодий зафарларини қалити замонавий кадрларни тарбиялашда эканини билган ҳолда ҳаракат қилаётганини айтди. Бу борада Туркиянинг ёрдами мумкинлигини қай эътибор билан Туркия Президентини Тургут Ўзл жанобларини дорилфунунини фахрий докторлик унвонини билан таъинлаш қарор берганини маълум қилди.

Туркия Республикаси Президентини жаҳон илмий дорилфунунини ўз оубу-эйти-тирога эга бўлган бу илм масканининг докторлик либосини кийиб, дипломинини қабул қилишдан мамунини изҳор этди. Халқларимиз Алишер Навоий, Улуғбек, Аҳмад Исавий каби шоиру олимларни бирдек эъзозлайдилар, уларни ўз аждоқлари деб билдилар, деди жаноб Тургут Ўзл.

Дили, дини, тили бир туркий халқларнинг ҳамжиҳат бўлиши, яқинда мустақилликка эришган туркий халқларнинг ўз иқтисодиёти тиклаб олиши учун биз доимо ёрдамга тайёрмиз.

Самиянинг ва юксак руҳ ҳукм сурган учрашув якунида Ўзбекистон Президентини Туркия Президентини мамлакатимиз келажакига билдирган ишончи ҳамда халқларимиз меҳрини учун миннатдорлик изҳор этиди.

ПОЙТАХТ БИЛАН ТАНИШУВ

Туркия Республикаси Президентини Тургут Ўзл шу кунин Тошкентнинг кўркам манзиллари билан таниши. Жумладан шаҳардаги турк арлар лицейига ташриф бурди.

Шу оқшом Ўзбекистон Республикаси Президентини Туркия Республикаси Президентини шарафига зиёфат берди.

Туркия расмий делегациясининг Ўзбекистонга сафари давом этмоқда. (ЎЗА).

ичида «Чаман» Москва, Киев, Бишкек, Душанбе ва кўпгина бошқа шаҳарларда бўлиб, ўз маҳоратини намойиш этди.

Республика Халқ таълими вазирини даъвати оғдиришда Туркиянинг Синоп шаҳрида ўтказилган Халқаро болалар футбол олимпияти фестивалида иштирок этиш учун сафарга юборишга қарор қилди.

Рустам ХУҶАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ГУШТ ВА СУТ САНОАТИ ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК УЮШМАСИ («ЎЗГУШТСУТСАНОАТ»)НИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

тармоқда бозор муносабатларини ривожлантириш, давлат корхоналари ва ташкилотларини акционерлик, ижара, жамоа ҳамда бошқа мулкчилик турларида айлантириш борасидаги ишларни ўтказишда кўмаклаштириш, тадбиркорлик ривожлантиришнинг, қўшма корхоналар барпо этилишини бугун чоралар билан қўллаб-қувватлаш; тармоқда ягона фантехника сибатини ўтказиш,

корхоналарни кенгайтиришда, уларни қайта қуриш ва техника билан қайта қурулантиришда илгор технологияларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришда кўмаклашиш.

5. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар маҳкамаси икки ҳафта мудоат ичида «Ўзгуштсаноат» уюшмасини ташкил этиш ва унинг фаолиятига оид қарорини қабул қилиб, тузилмаси ва уставини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1993 йил 3 апрель.

* Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН ТАШҚАРИДАГИ СОБИҚ СССР ДАВЛАТЛАРИДА ДОИМИЙ ЯШОВЧИ ЕКИ ДОИМИЙ ЯШАШ ЖОЙИГА ЭГА БЎЛМАГАН ТОШКЕНТ ШАҲАРИГА КЕЛУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИ РЎЯХАТГА ОЛИШНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

ТОШКЕНТ шаҳар Ҳокими А. И. Фозилбеков Ўзбекистон Республикасидан ташқаридидаги собиқ СССР давлатларида доимий яшовчи еки доимий яшаш жойига эга бўлмаган Тошкент шаҳрига келувчи фуқароларни рўйхатга олишни жорий этиш тўғрисидаги фармойишни имзолади. Ушбу фармойиш билан Тошкент шаҳар фаоллари йиғилишининг жиноятчилиги ва ҳуқуқбузарликка қарши курашини кучайтириш юзасидан қабул қилинган қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидан ташқаридидаги собиқ СССР чегараларида доимий яшовчи еки доимий яшаш жойига эга бўлмаган Тошкент шаҳрига келувчи фуқароларнинг ўртасидаги қонунбузарликнинг олдини олиш, шунингдек, бу фуқароларнинг Тошкентда бўлиши билан боғлиқ шаҳар бюджетни ҳаракатларини қисман қоплаш мақсадларида Тошкент шаҳри мақоми, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси, Республика доирасида фуқароларнинг эркин кўчиб ўриши, яшаш ва бўлиш жойинини тиллаш масалаларини тарғибга солишчи Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонуний ҳужжатлари қабул қилингунча бўлган давр учун Ўзбекистон Республикасининг ташқаридидаги доимий яшовчи еки доимий яшаш жойига эга бўлмаган Тошкент шаҳрига келувчи фуқароларни рўйхатга олиш тўғрисида Муваққат низоми тасдиқланди.

Ушбу Муваққат низомида Ўзбекистон Республикасидан ташқаридидаги собиқ СССР давлатларида доимий яшовчи еки доимий яшаш жойига эга бўлмаган Тошкент шаҳрига келувчи фуқаролар, агар амалдаги қонунчиликда бошқа қондалар кўзда тутилган бўлса, шаҳарда бўлишлари ҳақида рўйхатга олиш ваколати берилган идораларда рўйхатдан ўтишлари шартлигини кўрсатилган.

Шаҳарга үч кундан ортиқ мудоатга таъинлаб, меҳмондорчилигида, дам олишга, хизмат сафари, тикорат ва бошқа фаолият билан шуғулланиш учун келган фуқаролар рўйхатдан ўтишлари мажбурийдир. Улар амалда истикомат қилиб турган манзиллари: меҳмонхоналар, мотеллар, саяёхлар кемпинглари ва базалари, дам олиш уйлари ва пансионатлари, интернатлар, ётоқхоналар ва хусусий уйларида рўйхатга олинадилар.

Қўйадиганлар фуқароларни рўйхатга олиш қондаларига амал қилиниши учун масъул дорилар:

Тошкент шаҳри Ички ишлар боз бошқармаси, шаҳар тегишли хизматлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига ушбу Муваққат низоми 1993 йил 30 апрелдан, юқоридики қай эътибор фуқароларнинг шаҳарда бўлиши учун йиғим (тўлов) олиш миқдорини белгилаш тўғрисида таъин қилинди.

Тошкент шаҳри Ички ишлар боз бошқармаси, шаҳар тегишли хизматлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига

Турк адаблари ижодидан

АСРИМИЗ ОВОЗИ

Дўстлар, ишқ қуёшга ўхшайди

Турк адабиётининг ўзига хос тарихи, маҳон маданиятида ўзига хос тугган ўрни бор...

Ҳазиллари ҳозир ҳам ниҳоятда иш-тибқ билан мутолава қилинади...

Аҳмад НОДИМ СЕН ГУЛСАН

Сен гулсан — ҳамisha шўн шан, Мен булбул — ишқидир нола...

Юнус ЭМРО

МУҲАББАТ


Дўстлар, билмиш ишқ дегони, Тонги қуёшга ўхшайди...

Авал ишққа дилнинг отсин, У кенг осмонга ўхшайди.

Юсуф НАБИ

ЕР БОҒ БЎЛСА

Ер боғ бўлса гулу апронга йўқдир, Соа бергучи ниҳол—бутоғи йўқдир...



«Умрлар ўткинчи, шаҳарлар боқий», деган эди шеър. Маҳмад боқий шаҳарлар эса жуда кўп...

БИР САФАР дўстим Шадон мана шуларни ҳикоя қилиб берди менга: — Машинада уч киши эдим...

Ҳамид ЗИЁ ЙЎЛ БЎЙИДАГИ ГУЛ (ҲИКОЯ)

— Ҳей, Швейцария, меҳмонларнинг юртин оч. Эшикни очмасанг, деразадан ошиб ўтишга ҳам тайёризмиз...

Патнис кўтариб кирган ҳурилицо қиз менинг сўнги сўзимни эшитиб: — Ҳаммаларингизга жой топилади...

Ажойиботлар қомуси АФРИКАЛИК ШУҲРАТПАРАСТ

ДУНЕДА касалликлар жуда бехисоб. Саноб саногига етиб ҳам бўлмас керак. Лекин яна бир дарди бедавоборки, у машҳурлик, шошқураҳт касалидир...

Нигерияда чиқадиган газеталар биринчи саҳифаларида (давлат аҳамиятига эга шў бўлса керак-да) Далиманин шайси, турмуш тарзи ҳақида материаллар берилса...

УЗБЕК мумтоз адабиётининг атоқли вакили, йирми давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг қисқа умри давомида кўплаб мамлакат ва шаҳарларда бўлди...

се Тошканд. Бу орада — тўрда Хоже Муҳаммад Али илгарер экандур. Мўғуллар: Тошканд, Тошканд деб келурлар. Хоже Муҳаммад Али сўрт киши иштиробта бўлур, муқо-балада ул ҳам, Тошканд, Тошканд дер...

қўюб, бир неча кундин сўнг Шоқ-бегимни ва хон додамни ва уруқ-қайишни кўргани мен ҳам Тошканд азимати қилдим. Бориб Шоқбегим ва хон додамга мулозимат қилиб, бир неча кун анда бўлдим...

Бобур илгарида Хитойга сафар қилишнинг орзу қиларди. Тошкандда ўз қариндош-уруғлари орасида юрганда ҳам бу орзу уни сира тарк этган эмас...

отлениб, Шоқбегим қошига келди. Ултуриб, ўтган-кечган кайфият ва ҳолотини ярим кечгача ўлтуруб айтиштилар. Тонгласи кички хон додам манга мўғулча расм-лик бош-оёқ ва кўрнин ва эгарлик хосса отини иноят қилди...



Бобурнинг онаси Кутлуг Нигорхоним Юнусхоннинг Эсан Давлат-бегимдан туғилган иккинчи қизи бўлган. Бобурнинг ўзидан беш аш катта онаси Хонзодабегим ҳам Кутлуг Нигорхонимдан туғилган...

«Умаршайх мўғоз ... қайн отаси Юнусхоним... Чингтайхоннинг юр-тида мўғул улусининг хони ул фурсатта ул эрдиким, менинг улуг отам бўлган... Ҳар қатла келтурганда вилоятлар берур эди...»

«...Анджонига уйрушмак хабил қила кўмак тилай, Тошкентга хон қошига бордим. Шоқ бегимни ва уруқ-қайишни ҳам етти-саккиз йил бор эди, кўрмайдур эдим, бу бақо-на биле алернинг ҳам кўрулди. Нега кундин сўнг Сайид Муҳаммад мўғоз дўғлатни ва Айюб Бекчи ва Жон Ҳасан Боринни етти-саккиз юзча черик биле кўмак тайин қилдилар...

на унда лашкар қолган. Аскарларнинг қўлини сарсон-саргардонликдан турли томонларга тарқаб кетган. Тошкандда хон додамнинг қошига юрган чоғларида Бобур худда ўз уйда юргандек оқ-яланг, эмин-эркин юрар эди...

Шундай қилиб, ўз орнин қўйиб, бошқа мамлакатларга юз тутган Бобур, аввал Афғонистонда, сўнгра Ҳиндистонда давлат тузди. Ва танида ушлаган орзу-умидлари бошқа жойларда амалга ошди, рўёбга чиқди. Бобур ва унинг авлодлари Ҳиндистонда икки юз йилдан ортикроқ ҳукмронлик қилдилар...

Пойтахтнингдаги болалар ижодий марказида «Илҳом чешмаси» тавлови иштирокчиларнинг кўргазмаси ташкил этилди. Унда шаҳримиз туманларидagi мактабларда ташкил олаётган ўқувчиларнинг энг яхши ижодий ишлари ўрни олинган...



Соғлом авлод учун

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақилликка эришгандан кейин оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, ўсиб келадиган ёш авлоднинг саломатлигини мустақимлашга айнаса муҳим эътибор берилган бўлди. Бу борада республикамиз раҳбариятининг ҳар томонлама қўриқувчи қарорлари билан, шунингдек, Президентнинг фармонида кўра «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши ҳар биримизнинг қалбимизда чуқур қониқиб ва миннатдорчилик ҳиссини уйғотди. Мирзо Улугбек туманидаги 380-болалар боғчасига ташриф буюрган меҳмонлар, болаларни ушбу боғчада таълим олаётган ота-оналар, боғча хизматчилари яқинда бўлиб ўтган маросимда ана шу фикрларни алоҳида таъкидлашди.

— Биласизми, — дейди боғча мудираси Замира Нейматжонова, — шу пайтга қадар бола саломатлигига эътибор берилгани билан дунёга келгандан кейин бошлагани. Аслида бола саломатлигини онанинг қўриқувчи гиданок бошлагани керак. Ана шундангина мустақил Ватанимизнинг чин ва соғлом фарзандларини камол топтирган бўламиз. Бу борада қўриқувчи раҳбарият бекимсиз раҳбариятнинг ҳар томонлама қўриқувчи қарорлари билан, шунингдек, Президентнинг фармонида кўра «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши ҳар биримизнинг қалбимизда чуқур қониқиб ва миннатдорчилик ҳиссини уйғотди. Мирзо Улугбек туманидаги 380-болалар боғчасига ташриф буюрган меҳмонлар, болаларни ушбу боғчада таълим олаётган ота-оналар, боғча хизматчилари яқинда бўлиб ўтган маросимда ана шу фикрларни алоҳида таъкидлашди.



МЕН ҳамон уни сафимизда юргандай ҳис қиламан. Ҳар сафар машинада, пиледа Самарқанд дарвозаси кўчаси бўлиб, Закията меҳалласидан, дорихона бекатидан ўтганимда юргам бекитиб жинз этдию, болалигимдан дилмига гойибно яқин бўлиб қолган ўша таниш ном, ўша ёп-ёруғ, хузурбах кена хаёлимда жонланаварди.

Уруш йиллари эди. Мен бетоблиги туйғайли ҳарбий хизматга сафарбар этилган отам билан қўл ушлашиб, ўша пайтлари Чопонота ва Катта Қангли даҳаларида истиқомат қилувчи буви, буваларимни қўриб келиш мақсадида шу йўл орқали тез-тез яёв ўтиб турардим. Эсимда ҳар сафар кетишда ҳам, келишда ҳам катта йўл четидан озгина илгартириб, бул хонадондан илгарти хабар олиб ўтардим.

— Анаврдан хат-хабар келдими, ойи! — сўради отам салом-алинган сўнг тўладан келган, баянда бўйли, гавдали келтирдим.

— Ҳозирча ҳеч гап йўқ. Негадир хат-хабар келимаяпти. Тиқ этса, кўзим тўрт бўлиб ўтирмиш, онанг қониди. Ишқилиб, эл-юрт дотори болалигимнинг тани-жони соғ бўлсин. Эсон-омон бағримизга келиб, бола-чақасига ўзи бош бўлсин!

— Айтганингиз келсин!

Биз қўлимиздан келганча кампирнинг қўлига у-бу нарса бериб, эзимизга қайтардик. Мен йўл-йўлакай отамни савоғга қўлиб ташлардим:

— Анаврдан деганингиз ким?

— Уртоғим.

— Қанақа ўртоғингиз?

— Энг жонажон, меҳрибон ўртоғим.

— Энг жонажон, меҳрибон ўртоғ қанақа бўлади?

— Уртоғи учун ҳеч нарса сини аямайди. Уни борда ҳам, йўлда ҳам уйдагиларидан хабар олиб, қўлдан келганча ердан бериб туради.

— Ҳозир ўртоғингиз урушда бўлгани учун уни соғинайсизми?

— Жуда ҳам!

— Мен ҳам уларни жуда кўргим келаяпти. Ойларнинг йилгаганларини қўриб, менинг ҳам хўрлигим келиб кетди. Сизнинг ҳам йилгагингиз келдими?

— Эрақ одам йилгоқи бўлмайди. Ҳар қачна оғир бўлса ҳам ўзини туга билиши керак.

Отам шундай дердию, менинг бошимни аста силаб кўрдим. Унинг кўзларига қараб, бироз нам ва овозининг галатроқ бўлганимни сезиб индамай қолардим. Кейин уни ана гапга турардим:

— Уртоғингиз менга ким бўлади



ўзи!

— Тоғанг-да, тоғанг.

— Тоғам урушдан менга нимма олиб келдилар?

— Тинчлик, хотиржамлик, бахт-савоат олиб келди!

Ха, орадан кўп вақт ўтмай, айна пишиқчилик пайтда отам хурсанд бўлиб мени бағриларига босдилар:

— Анаврдан тоғанг урушдан келибди! Тез юз-қўлини ювиб, тоза кийим-бошимни кий! Бирга уни кўргани борамиз!

Биз ота-бала тез-тез юриб, ўша таниш хонадонга борганимизда ҳаммаёқ суялор селишиб, ҳовлидаги катта бобоёғоқ остига жой қилинган, тумоноқ одам чақ-чақлашиб

ўтирарди. Отам озингизга, ўрта бўйли киши билан қучоқ очиб, қайта-қайта кўришди, ахшигина кўз ёши ҳам қилиб олди. Мен буни қўриб, унга далад бергандай бўйдим:

— Узингизни ушлаган, эрақ одам йилгоқи бўлмайди.

Менинг бу гапимни эшитган болани кишининг кулгиси кистади шеклиги, мени даст осмонга кўтариб, бағрига босди, юз-кўзларимдан кетма-кет ўпди.

— Катта йинги бўлиб қолсан-ку, жия! Баракалла!

Шунда мен билдимки, бу одам ўша урушдан қайтган Анаврдан тоғам эканлар. Негадир, мен уни риларига қахшган баянда бўйли, айон, басавайт киши бўлсалар, керак, деб ўйлагандим. Шундаки кичкинагина одам ҳам урушга бориб, кўраги орден, медалларга тўлиб келганидан роса ҳайратланганим ушанда. Уша кун чечкуну ҳовлининг икки чеккасига йўғон сым тортилиб, эски пахталик чопоним, кўрпачамни қора мой селиб, катта машала ёқилди. Ҳовли саҳни, ҳаммаёқ яришиб, осмондаги юлдузлар кўрни

Юрт посбонлиги-муқаддас бурч

ВАТАН ТАҚДИРИ ЁТАДИ

Республикамиз мустақилликка эришиб истиқлолга юз тутгандан бери юз элликдан ортиқ давлатлар билан дипломатик алоқаларни ўрнатди. Жумладан, жумҳуриятимизда кўпгина чет эл давлатларининг ваколатхоналари очилди. Ушбу ваколатхоналарда хизмат қилувчи ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг бир меъёрга фаолият олиб боришлари учун тўла ижтимоий таъминотни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ўтган йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тасарруфидан чет эл ваколатхоналарини қўриқлаш бўйича алоҳида қўриқовчи бўлими ташкил этилган. Биз ушбу бўлимининг хизмат бўйича мувоини, милиция капитани Аҳбор Абдурахмонов билан суҳбатда бўлдик.

— Аҳбор ака, айтгинчи, алоҳида милиция бўлимига қанча киши қабул қилинади ва улар қандай имтиҳонлардан ўтказишади?

— Чет эл ваколатхоналарини қўриқлаш учун алоҳида милиция бўлимига Тошкент шаҳрида яшовчи 30 ёшгача бўлган Армия хизматини ўтаган йигитлар қабул қилинади. Уларга бир қанча имтиҳонлар ариштирилади. Жумладан, ички ишлар вазирлигига қарашли махсус ўрта ва олий ўқув юртига ҳамда бошқа шу соҳага яқинроқ ўқишлари кирити, йилга бир марта ўзи хоҳлаган жойга бепул бориб келиши ҳуқуқларига эга.

— Бўлимизга ҳақиқатан ҳам шундай шарт-шароитлар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Бу масалада шунинг мамнуният билан таъкидлаш керакки, Республика Ички ишлар вазирлиги томонидан бизга анчагина ердан берилапти. Бемалол ишлаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ёқинда таъминланганми.

— Яқинда автобус ҳам оламиз, Бундан ташқари, маош масалалари ҳам ёмон эмас. Ишга яқин қабул қилинган ходимнинг сўми маош олади. Кейинчалик унга махсус унвон, хизмат вазифаси ва ишлаётган муддатга қараб қўшимча ҳақ тўланади.

— Шундай бўлишига қарамай, сизларда ҳам айрим муаммолар мавжуд бўлса керак?

— Ҳа, баъзи муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Шахсий таркиб машғулотларини ўтказиш учун каттароқ хона етишмайди. Қисимми эски бинога жойлашгани учун бинонинг таъмирлаш керак. Аммо булар ҳозирча энг асосийси эмас. Муҳими, хотиржам ишлашимиз учун биринчи навбатда моддий ва маънавий шарт-шароитлар етарли десак бўлади.

— Бўлимизга ҳақиқатан ҳам нима деган оғирлик?

— Юқорида таъкидлаганимдек, бўлимизга асосан ешлар қабул қилинади. Улар анча соғлом, бакуват бўлишлари учун «Динамо» спорт мажмуида ўзлари истаган спорт тури билан шугулланишлари учун бепул юборилади.

СЕКВОЙА ДАРАХТИ

ТОШКЕНТ замини бир вақтлар денгиз сатҳи билан баробар бўлган. Унинг баландлиги нолга тенг эди. Шундан бери ўтган 25 миллион йил мобайнида замин ўрта қисмида 450 метр кўксига бунга, тектоник

АЙТИЛМАГАН АШУЛА

АМЕРИКА фуқароларининг шахсий ҳаётига ҳам кириб келувчилар топилади. Бундан жуда кўп одамлар шонли қолиши. Барчаси бесабаб эмас, албатта.

Шу кеча-кўнунда «Табриқор» хўжалиқ инжиллар орасидаги ноёб одамларнинг йўқлиги оралиқини кўрмоқдалар. «Гардиан» газетасининг хабар беришича улар ченишга, ичига ружу қўйганларини ишга қабул қилмаптилар. Чунки уларнинг саломатлигини ҳимоя қилишга жуда кўп маблаг сарф бўлади.

Алабама штатидаги фирмалардан бири ўз ишчиларига альпинизм ва моторли билан шугулланишни ман қилди. Лос-Анжелесдаги тўрт нафар ўт ўчирувчи эса интизомий жағога дучор бўлди. Бечораларнинг айби тоши оғирлиги ва овиқатга ҳаддан зиёд муҳаббати баландлиги экан!

Ишбилармон хўжайинлар ишга қабул

— Бўлимизга ҳақиқатан ҳам шундай шарт-шароитлар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Бу масалада шунинг мамнуният билан таъкидлаш керакки, Республика Ички ишлар вазирлиги томонидан бизга анчагина ердан берилапти. Бемалол ишлаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ёқинда таъминланганми.

— Яқинда автобус ҳам оламиз, Бундан ташқари, маош масалалари ҳам ёмон эмас. Ишга яқин қабул қилинган ходимнинг сўми маош олади. Кейинчалик унга махсус унвон, хизмат вазифаси ва ишлаётган муддатга қараб қўшимча ҳақ тўланади.

— Шундай бўлишига қарамай, сизларда ҳам айрим муаммолар мавжуд бўлса керак?

— Ҳа, баъзи муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Шахсий таркиб машғулотларини ўтказиш учун каттароқ хона етишмайди. Қисимми эски бинога жойлашгани учун бинонинг таъмирлаш керак. Аммо булар ҳозирча энг асосийси эмас. Муҳими, хотиржам ишлашимиз учун биринчи навбатда моддий ва маънавий шарт-шароитлар етарли десак бўлади.

— Бўлимизга ҳақиқатан ҳам нима деган оғирлик?

— Юқорида таъкидлаганимдек, бўлимизга асосан ешлар қабул қилинади. Улар анча соғлом, бакуват бўлишлари учун «Динамо» спорт мажмуида ўзлари истаган спорт тури билан шугулланишлари учун бепул юборилади.

АВТОБУС ПАРКИ

«Тошкент-Панфилова», «Тошкент-Бишкек», «Тошкент-Олмаота», «Тошкент-Самарқанд», «Тошкент-Бухоро» йўналишлари бўйича ва Фарғона водийсидаги шаҳарлар бўйлаб

СЛЕҲАТГА ЧИҚИШ УЧУН «ИКАРУС-250», «КАРОССА» автобусларига

ОММАВИЙ ТАЛАБНОМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бундан ташқари, турли хил тадбирлар учун ва Тошкент шаҳридаги ишчи ва хизматчиларни ташиш учун ЛАЗ-695, ПАЗ-672 автобуслари ажратиб берилади.

ХИЗМАТ ҲАҚИ — тариф асосида, нақд, пул билан ва пул ўтказиш йўли билан тўланади.

Манзилнинг: Свободний посёлкани, Мир кўчаси, Телефонлар — 65-33-54, 65-35-55.

ЖАНОБЛАРИ!

ОЛМАОТА ШАҲРИДАГИ ОМБОРДАН янги «ВОЛЬВО-480», «ВОЛЬВО-945», «ВОЛЬВО-850» автомобиллари СОТИЛАДИ

Олмаота шаҳридаги мулоқот телефонлари: 62-53-41; факс (327-2) 62-52-68.

«ТУҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ»

ТОШКЕНТ ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Тошкент шаҳрида қайд қилинган 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган хотин-қизларни

ТУҚУВЧИ, ИП ЙИГИРУВЧИ; тароқлаш, айлантириш, пишитиш, ўраш ускуналарининг ОПЕРАТОРИ

ИХТИСОСЛАРИ БУЙИЧА УҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 4 ойдан 8 ойгача. Машғулотлар — ҳар ойнинг 15- ва 30-кунинда бошланади.

Ўқининг 1- ва 2-ойида 2500 сўм, 3- ва 4-ойида 1750 сўм, қолган ойларда — 1000 сўм ва 100 фоз иш ҳақи қўшиб тўланади.

Дарсларни яхши ўзлаштирган ва намунали хулқ-атворга эга бўлган талабаларга стипендия қўшимча равишда 100 фоз мукофот пули тўланади.

Ўқувчиларга ҳар бир иш, ўқиб кунига 35 сўмлик овуқат талонлари берилади.

Бирлашма ишчиларининг ойллик иш ҳақи 8000 сўмдан 20000 сўмгача боради.

Маъмурият ишчилар ва ўқувчилар учун қўлай ижтимоий шарт-шароитлар яратиб берган. Бизнинг комбинатимиз мустақил бир шахарча бўлиб, унда ҳамма-ҳамма нарсалар муҳайё, Масаала, тиббий-санитария қисми, полилинканика, санитария (профилакторий), спорт комплекси, Маданият саройи, ошхоналар, сабзавот ва озиқ-овқат дўконлари, буғ ҳаммоми, пардоз-андоз (парварии) салонлари, сартарошхоналари бўлган манаший комплекслар мавжуд. Комбинатда танқис моллар, озиқ-овқат маҳсулотлари сотилади. Тошкент денгизида ва тоғ ён бағрида катталар ва болалар учун дам олиш масканларимиз бор.

Биз Сизларни қуйидаги манзилда кутамиз:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЯҚКАСАРОЯ РАЙОНИ, А. ҚАҲҲОР КҮЧАСИ, 34-уй (2, 57, 80, 97-автобуслар; 17, 25-маршрутли таксининг «Билим юрти» бекати).

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 55-44-85, 55-44-96.

«ТУҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ» ИЖРАДАГИ ТОШКЕНТ ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/IV до Олтин девор (17,30), 7/IV до Тўмарис (17,30), 8/IV до Афдиннинг беш хотини (17,30).

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректорати умумий гигиена кафедраси мудири, профессор Н. С. Тожиевага онаси

Ҳоним Азизовна ХУЖАЕВанинг вафот этганини муносибати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Мухаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент оқшоми» газетасининг навбатдаги сони 8 апрелда чиқади.

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилик учун жавобгарлиги уларни берган ташилот ва шахслар зиммасидадир.

Манзилгоҳимиз: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Буюртма Г-173, 19899 нусхалда босилди, ҳажми — 2 босма табоқ, Өфсет усулда босилган, Қўғоқ бичими А-2. Нашр қўрсатқичи 64690.

Тошкент оқшоми

Газета Өзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетининг рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 000101.

Шанба ва яшанбадан ташқари ҳар кун ўзбек тилида чиқади.

Босмага берилган вақти 11.30. Босмага берилди 12.00. Ўзбекистон Республикаси Президентини Маъқамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» наприёт-матбаа концерни. Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6